

Опам билан бир ташкилотда ишлардик. Лекин янги раҳбар келгандан кейин опа-укалар бир ташкилотда ишлашлари мумкин эмас, деганидан кейин кадрлар бўлими ходими бизни огоҳлантирди. Шу ҳолат тўғрими?

5 бет

Жиноий гуруҳнинг тузоғига илинган илк «ўлжа» эса Н.Содиқованинг қўлида «хизмат» қилаётган Гулнора Одилова бўлди. Уюшган гуруҳдаги аёллар қизни «қўғирчоқдай» ясантириб, Жонибек ва Аслидинларнинг қўлига топширишди.

7 бет

## Mustaqillik huquq demakdir



O'ZBEKISTON  
RESPUBLIKASI BOSH  
PROKURATURASINING  
NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2013-yil 28-noyabr, №48 (881)

## Бош прокуратурада

## Долзарб мавзуга бағишланди

Жорий йилнинг 26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида "Одам савдосига қарши курашиш соҳасида халқаро шартномалар ва миллий дастурларни амалга оширишда ННТ ва ОАВ вакиллариининг иштироки" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссия аъзолари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Адлия, Ички ишлар вазирилари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўз ННТА, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Республика Касаба уюшмалари Федерацияси, Журналистлар ижодий уюшмаси, МТРК, Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси, "Туркистон-пресс" нодавлат ахборот агентлиги ҳамда бошқа ОАВ ва ННТ вакиллари иштирок этишди.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари оид 80 дан ортиқ халқаро ҳужжатларга қўшилган бўлиб, одам савдосига қарши кураш соҳасига тааллуқли асосий халқаро ҳужжатлар иштирокчиси. БМТнинг "Одам савдоси ва фоҳишаларнинг учинчи шахслар томонидан ишлатилишига қарши кураш тўғрисида"ги ҳамда "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги конвенциялар, одам савдоси, айниқса, аёллар ва болаларни сотишнинг олдини олиш, унга чек қўйиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисида"ги қўшимча протоколи шулар жумласидандир.

Ушбу халқаро ҳужжатлар нормалари, халқаро стандартларни миллий қонунчилигимизга имплементация қилиш борасида бир қатор қонун ижодкорлиги ишлари амалга оширилди ҳамда 2008 йилда мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича ҳуқуқий асослар яратилди. Хусусан, 2008 йил 17 апрелда Ўзбекистон Республикасида "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоялашда муҳим босқич бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан эса юқоридаги қонун нормалари амалга татбиқ этилди. Одам савдосига қарши курашиш, бу турдаги жиноят қурбонларини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари комплекс характерга эга эканлиги инobatга олиниб, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Республика Президентининг мазкур қарори билан одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси

Гулнора РАХИМОВА,  
Бош прокуратура бўлими  
бошлиғи

Бош прокурори Р.Х.Қодиоров раислигидаги ушбу нуфузли комиссия таркибига одам савдосига қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширувчи давлат органлари билан бир қаторда, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ва жамоат ташкилотлари киритилган.

Бугунги кунда жойларда ҳам одам савдосига қарши курашиш бўйича жами 209 та ҳудудий идоралараро комиссияларнинг фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган бўлиб, уларда 2347 нафар комиссия аъзолари ҳамда ташкил этилган ишчи гуруҳлар ўз фаолиятини олиб бормоқда.

2008 йил 16 сентябрдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан ЖКнинг 135-моддаси такомиллаштирилди ва ушбу тоифадаги жиноятлар учун жазо чоралари кучайтирилди. Яъни муқаддам Жиноят кодексининг 135-моддасида бундай тоифа жиноятлар учун максимал жазо сифатида саккиз йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган бўлса, ушбу модданинг янги таҳририда одам савдоси жинояти учун саккиз йилдан ўн икки йил муддатгача озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланган бўлди.

/Давоми 2-бетда/

## Ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари билан иборат делегация жорий йилнинг 11-22 ноябрь кунлари БМТнинг Гиёҳванлик ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси (УНП ООН) томонидан Россия Федерациясининг Красноярск шаҳрида ташкил этилган халқаро ўқув курсларида иштирок этди.

## Ўзаро ҳамкорлик йўлида

Марказий Осиё мамлакатлари ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари ходимлари учун ташкил этилган навбатдаги халқаро ўқув курси наркотрафика қарши курашиш, бу тоифа жиноятларни тергов қилиш ҳамда тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, бу соҳадаги ўзаро ҳамкорлик масалаларига бағишланди.

Қайд этиш лозимки, БМТнинг Гиёҳванлик ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг ташаббуси билан Россия ва Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлари ходимларининг жиноятчиликка, хусусан, наркотрафика қарши курашиш соҳасида ўзаро тажриба алмашинуви йилдан-йилга ривожланиб бормоқда.

Афғонистонда етиштирилган гиёҳванлик воситалари Марказий Осиё минтақасидан транзит йўли орқали Россия Федерацияси ва кейинчалик Европада тарқалишини инobatга олиб, Россия Федерациясининг Гиёҳванлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш Федерал хизмати ҳамда Марказий Осиё минтақаси давлатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ўртасида ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, Россия Федерациясининг Гиёҳванлик воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши курашиш Федерал хизмати қўшидаги Сибирь юридик институти базасида ташкил этилган ўқув курси давомида Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимларига ушбу Федерал хизмат фаолияти тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Сибирь юридик институтининг профессор-ўқитувчилари наркотрафика қарши курашиш, суриштирув, тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида илгор тажрибани қўллаш ҳамда ҳозирги замонвий криминалистик воситаларининг имкониятлари ҳақидаги маърузалар билан иштирок этишди. Бу эса, ўқув курслари иштирокчиларига мазкур йўналишдаги ўзларининг илмий ва амалий билимларини янада мустаҳкамлаш имкониятини берди.

Ўқув курслари якунида Сибирь юридик институти раҳбарияти томонидан иштирокчиларга курсларни муваффақиятли якунлаганликлари ҳақида сертификатлар тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси  
Матбуот хизмати

## Обуна — 2014

2014 йилда ҳам "HUQUQ" газетаси  
Сизнинг энг яқин ҳамкорингиз  
бўлиб қолади. Газетамизга  
«Матбуот тарқатувчи» АК ва барча  
почта алоқаси бўлимларида  
обуна бўлишингиз мумкин.



НАШР ИНДЕКСИ - 231

## Суд-ҳуқуқ ислохотлари — тараққиётимиз кафолати

Кейинги йилларда мамлакатимизда суд ҳокимиятини, унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, суднинг обрўсини кўтаришга, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришга суднинг роли ва аҳамияти кўтаришга қаратилган кенг қўламли ишлар олиб борилаётган.

Айниқса, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими ислохотлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2012 йил 30 ноябрда "Судлар фаолиятини

янада такомиллаштиришнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабридаги "Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака Комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармойиши суд тизими ислохотлари самарадорлигини таъминлашда муҳим пойдевор бўлди.

/Давоми 3-бетда/

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг

53-моддасида истеъмолчилар ҳуқуқларининг устуңлиги қайта этиланган. Ушбу тамойил асосида қабул қилинган "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунда истеъмолчиларнинг маҳсулотлар, қўрсатилган хизматлар, ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи, сотувчи ҳақида тўлиқ маълумот олиш, то-варлар, қўрсатилган хизматларнинг сифатини бўлишини талаб қилиш каби асосий ҳуқуқлари ҳамда бузилган ҳуқуқларини тиклаш, етказилган моддий ва маънавий зарарини қоплаш тартиб қоидалари белгиланган бўлиши билан.

## Ишни жонлантириш лозим

Хайрулло ОРИПОВ,  
Риштон туман прокурори

Давлат ҳокимияти, бошқарув органлари, судлар истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди. Шунингдек, жамоат ташкилоти — Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида фаолият юритмоқда.

Риштон туман прокуратураси томонидан Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг фаолияти ўрганилганда, аввало, ушбу жамиятнинг тўлақонли фаолият олиб бориши учун етарли шарт-шароитлар яратилмагани кўзга ташланди. Чунончи, Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг 10-бандига биноан, маҳаллий ҳокимиятлар зиммасига жамиятнинг тўлақонли фаолият юритишига кўмаклашиш вазифаси юклатилган бўлиб, ушбу қарор ижроси туман ҳокимлиги эътиборидан четда қолган. "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 8-моддаси талабларига ҳам риоя этилмаган, яъни бўлим

хизмат биносининг пештокида фуқароларни қабул қилиш кун ва соатлари, фуқаролар учун қўлай қабул ҳадваллари ёзилган пештахта ўрнатилмаган.

Шунингдек, жамият фаолиятининг қонқарсизлиги ҳам кўзга ташланди. Истеъмолчилар ўз ҳуқуқларини билишлари ҳамда зарур пайтда талаб қила олишлари амалдаги қонун ҳужжатларини кенг тарғиб қилишни тақозо этади. Қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва мурожаатларни кўриб чиқиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақида матбуотда атиги 9 та мақола, телевидение орқали эса фақат битта қўрсатув берилган, холос. 2012-2013 йиллар учун режалаштирилган тадбирлар асосида пластик карточкаларнинг кенг жорий этилиши жараёнида тўлов тизimini тақомиллаштириш ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш тўғрисида бир маротаба давра суҳбати ўтказиш билан чекланиб қолган. Савдо, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш корхоналарида кўрғазмали жадваллар, ахборот варақалари билан таъминланган истеъмолчилар бурчаклари ташкил этилмаган.

Жорий йилнинг ўтган даврида рўйхатга олинган фуқаролар мурожаатларини ҳал этиш билан боғлиқ ҳужжатлар рўйхати тузиб борилмаган. Жойларда ариза ва шикоятларни, "Ишонч телефони"га мурожаатларни ҳал этиш тартиб-қоидалари тушунириб борилмаган. Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунириш ишлари кенг йўлга қўйилмагани туфайли "Ишонч телефони"га биронта ҳам мурожаат келиб тушмаган.

Жамиятнинг асосий вазифаси — истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш фаолияти қонқарсиз ташкил этилгани натижасида фуқаролардан атиги 8 та шикоят аризалари келиб тушган. Улар истеъмолчилар фойдасига ҳал қилинган бўлса-да, аризалар бўйича ички бўйруқлар чиқарилмаган ва тушунириш хатлари олинмаган.

Жамиятда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида фаол иш юритилмаган, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланилмаган, мурожаатлар атрофича ўрганилиб, ҳал этилиши назоратга олинмаган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш, жамият фаолиятини жонлантиришга қаратилган прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилди.

Хотин-қизларнинг ҳуқуқла-

рини ҳимоя қилишга қаратилган қонунчилик, хусусан, "Хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида"ги Қонун ва қонуности ҳужжатларининг ижроси таҳлил қилинганда, тумандаги силга қарши кураш шифохонасида хотин-қизлар қўмитаси ва касаба уюшмаси аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида етарлича иш олиб бормагани маълум бўлди. Шифохона ходимларининг 166 нафарини аёллар ташкил этади. 2 нафарининг 3 ёшгача, 26 нафарининг эса 12 ёшгача болалари бўлиб, уларга меҳнат қончилигида назарда тутилган иш билан боғлиқ ва ишдан ташқари имтиёзлар яратилмаган. Шифохонада хотин-қизлар қўмитасининг раиси сайланмаган, 2012-2013 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган. Шифохона маъмурияти томонидан маданий, маърифий ва санитария-гигиена хоналари ташкил этилмаган.

Хотин-қизларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатилганда қонунбузилишга йўл қўйилган. Жумладан, диспансер бўлими ҳамшираси вазифасига ишга қабул қилинган Н.Камолова билан шифохона маъмурияти ўртасида меҳнат шартномаси тузилмаган. Шу тариқа Меҳнат кодексининг 82-моддаси талаблари бузилган. Шунингдек, меҳнат шартномасини бекор қилишда ҳам қонун талабларига амал қилинмаган. Г.Абдувахобованинг

эса аризаси олинганидан кейин бир кун ўтиб, шошма-шошарлик билан, юқоридаги қонун талабига зид равишда меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақида буйруқ чиқарилган.

Коммунал фойдаланиш бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорат марказида ҳам хотин-қизларга қўшимча имтиёзлар бериш, меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилиш, ишдан бўшатиш, меҳнат таътили беришда қонун талабларига риоя этилмаган. Хусусан, Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази ходими, 12 ёшга тўлмаган фарзандлари бўлган Н.Уриновага қўшимча иш ҳақи сақланган ҳолда, 3 иш кунидан иборат имтиёзли меҳнат таътили қўшиб берилмасдан, Меҳнат кодексининг 232-моддаси талаблари бузилишига йўл қўйилган. Ходимлар бўлими бошлиғи вазифасида ишловчи Г.Исакова, компьютер оператори Х.Усмоновларга эса имтиёзли меҳнат таътили кунлари ҳавола қилинмаган.

Қонунбузилиш ҳолатлари прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб бартараф этилди. Шунингдек, муассаса ва корхоналардаги хотин-қизлар қўмиталарининг самарали фаолият олиб боришларини таъминлаш чоралари белгиланди.

## Долзарб мавзуга бағишланди

/Давоми.  
Бошланғич 1-бетда/

Бундан ташқари, Республика Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарориди одам савдосидан жабрланганларга ёрдам қўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича иختисослаштирилган муассасаларни ташкил қилиш белгиланган эди. Шу асосда, 2008 йил 5 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича Республика реабилитация марказини ташкил қилиш тўғрисида"ги 240-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга мувофиқ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги қошида реабилитация маркази ташкил қилиниб, асосий вазифа ва йўналишлари белгиланди, тузулиши ҳамда Низоми тасдиқланди.

Мазкур марказ малакали мутахассислар билан таъминланган бўлиб, одам савдоси жабрдийдаларининг яшashi, тиббий, психологик, юридик ва бошқа ёрдам олиши учун барча шароитлар яратилган.

Тадбирда таъкидланишича, одам савдосига қарши курашиш фаолиятида ижтимоий шерикчилик тамойили муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролик жамияти ташкилотларининг одам савдосига қарши курашишдаги кўмаги би-

ринчи навбатда идоралараро комиссиялар ишида иштирок этиш билан намоён бўлмоқда. Республика Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори билан тасдиқланган Республика Идоралараро комиссиясининг таркибидан Республика Хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИХ, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази каби жамоатчилик ташкилотлари ўрин олган.

Ўтган давр мобайнида кенг кўламли тарғибот ва ташвиқот ишларини амалга ошириш билан бир каторда, одам савдосига қарши курашиш, ушбу турдаги жиноят содир этилишининг сабабларини аниқлаш, унинг салбий оқибатларини камайтириш бўйича аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу бордада жорий йилнинг ўтган даврида 250 мингдан ортиқ тарғибот тадбирлари ўтказилди. Уларнинг 10 мингдан зиёдрогини оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар ташкил этади. Шунингдек, босма ва электрон ОАВ билан ҳамкорлик олиб борилиб, ушбу масала юзасидан теле ва радиолойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тадбир давомида "Одам савдосига қарши курашиш бўйича халқаро шарномалар ва Ўзбекистон миллий қонунчилик" ҳужжатлари тўплами ва "Сароб" ҳужжатли фильмининг тақдироти бўлиб ўтди.

Мамакатнинг гуллаб-яшнаши, халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши учун аввало иқтисодий тартибга солиш, унинг ҳар томонлама ривожланиши учун етарли шарт-шароит яратиб бериш талаб этилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлардан кўзланган асосий мақсад ҳам шу. Шу билан бирга, иқтисодий соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш ҳам давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

## Жиноятчиликка нисбатан мурасасиз бўлайлик

Нийетбай ИСМУТУЛАЕВ,  
СВОЖДЛҚК департаментининг  
Тўртқўл туман бўлими бошлиғи

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида СВОЖДЛҚК департаментининг Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл туман бўлими томонидан фаолиятга доир қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда, 23 та текшириш ўтказилиб, натижасига кўра 18 та жиноят ва 5 та маъмурий ишлар кўзгатилиди. Давлат бюджетига 180 млн. 800 минг сўм қўшимча солиқ ҳисобланиб, 376521,2 сўм молиявий зарима қўлланилди. Шундан 154 млн. 650 минг сўмининг давлат бюджетига ундирилишига эришилди.

Бундан ташқари, хорижий валюта бўйича 2 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланиб, 2 та жиноят иши кўзгатилиди. Натижасига кўра, ҳуқуқбузарлардан ноқонуний муомалада бўлган 32 минг 269 АҚШ доллари, 201 минг 600 Россия рубли, 45 минг 500 Қозғистон тенгеси, 5 млн. 300 минг Ўзбекистон сўми олинди, давлат хитиёрига ўтказилди.

Давлат ва ҳўжалик юритувчи субъектлар манфаатларига 318 млн. 646 минг сўм миқдорида зарар етказилганлиги аниқланиб, ушбу зарарини ундириш чоралари қўрилмоқда. Жумладан, ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда Уллубоғ ОФЙ 2-бўлимида жойлашган бинода "Тўртқўл дон маҳсулот" МЧЖга

қарашли "Дон-нон неъмат" шўъба корхонаси цехи мудир Илҳом Рўзимбетов Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг рухсатига асосан қоллипи нон ишлаб чиқариш учун ажратилган, МЧЖда ишлаб чиқарилган биринчи навли 68 қоп уни сотиш мақсадида сақланганлиги аниқланди.

Текшириш давомида И.Рўзимбетов корхона раҳбари Жамолатдин Жуманиязов билан тил бириктириб, МЧЖда ишлаб чиқарилган 5 млн. 375 минг сўмлик 156 қоп биринчи навли уни маҳсулотини қалбаки оқ хати асосида корхонадан чиқариб юборганлиги ва 100 қопини ўзининг уйига, 50 қопини эса "Тўртқўл элриқ" деҳқон бозори худудигаги Ойбек Сабуровга тегишли дўконга туширганлиги, шунингдек, уйига туширилган уни маҳсулотидан қар бир қопини 68 минг сўмдан, жами 32 қопини сотиб юборганлиги маълум бўлди.

Мазкур ҳолат юзасидан шўъба корхонанинг мансбдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукмига кўра жазо муқаррарлиги таъминланди.

/Давоми. Бошланиши 1-бетда/

Давлатимиз раҳбарининг ушбу ҳужжатларида эса суд ишларини муқтадил юришти ва суд органлари ходимларининг ижтимоий-ҳуқуқий муҳофазасини кучайтириш бўйича комплекс ва тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда судлар фаолиятини ташкил қилиш бўйича судья кадрларни танлаш, тайёрлаш ва лавозимга тасвир этиш ишларини тақомиллаштириш кўзда тутилган.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган "Суд тизими фаолияти янада тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасида иқорида тилга олинган ҳужжатларда назарда тутилган қоидаларни қамраб олган. Шунингдек, қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Солиқ кодекслари, Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида"ги, "Нотариат тўғрисида"ги, "Адвокатура тўғрисида"ги ва "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунларида тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Хусусан, қонун лойиҳасида: Конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва ҳўжалик судларининг судьялари хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилиниши;

судьялик лавозимида камида беш йил ишлаган шахсларни, агар уларнинг

# Суд-ҳуқуқ ислохотлари — тараққиётимиз кафолати

ваколат муддати тугаган вақтдан уч йилдан ошмаган бўлса, нотариус лавозимига тайинлаш ёки адвокатлик лицензиясини олиш жараёнида стажировкадан озод қилиниши;

судьялик лавозимига тайинланганлиги ёки сайланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга, уларнинг ваколатлари тугагандан кейин, уларни ишга жойлаштириш кафолатлари;

судьялик лавозимига номзодларнинг ёш бўйича талаби йигирма беш ёшдан ўттиз ёшгача, юридик соҳада иш стажини уч йилдан беш йилгача оширилиши ҳамда номзодга нисбатан судланганлик, одил судловни амалга оширишга тўққинлик қилувчи касаллик мавжуд бўлмаслиги ва ҳоказо каби қўшимча чекловларнинг киритилиши;

судьялик лавозимига номзодларнинг ўқиши ва стажировкадан мажбурий ўташи киритилиши;

судьялик лавозимига номзоднинг мажбурий ўқиши мобайнида, унинг асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг сақлаб қолиниши кафолатлари назарда тутилган.

Шу боисдан, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинган судьяларнинг ижтимоий кафолатлари илк бор қонун даражасида мустақамланмоқда. Айниқса, "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Юристарлар малакасини ошириш марказини ташкил қилиш тўғри-

сида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан Марказ тингловчилари учун ўқиш давомида асосий иш жойида ўртача иш ҳақи ва лавозимнинг сақлаб қолиниши кўзда тутилган.

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, кўпгина мамлакатларда (Франция, Бразилия, Дания, Норвегия, Грузия, Озарбайжон, Тожикистон) судьялик лавозимига номзод 30 ёш даражасида белгиланган. Шу ўринда қайд этиш кераки, судьялик корпусини тўлдиратиш ва унда саводли, ўз касби юзасидан анча тажрибага эга бўлган ҳуқуқшуносларни сақлаб қолиш масаласи ушбу лавозимларга номзодлар ёш цензини кўтариш йўли билан ҳам ҳал этилиши мумкин.

Шунингдек, судьялик лавозими номзодларига янги талаблар киритилиб, судьялар Малака ҳайатлари олдида қўйилган вазифалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тасвир этиш бўйича олий малака комиссияси, Умумий юрисдикция судларининг олий малака ҳайати ва Ҳўжалик судлари судьялари малака ҳайатлари ўртасида ўзаро муносабатлар доирасида қайта қўриб чиқилган.

Тақлиф этилаётган ўзгартишлар судьялик корпусини танлаш, тайёрлаш ва тасвир этиш тизимини тақомиллаштиришни таъминлайди, шунингдек

Олимжон ЎСАРОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутати

судьяларнинг ижтимоий кафолатларини, нафақат иш фаолияти давомида, балки уларнинг ваколат муддати тугагандан кейин ҳам кучайтиради.

Ўқитган шахсни иш ҳақи сақланган ҳолда меҳнат мажбуриятларидан озод қилиниши, шунингдек, судьялик хизмат вазифаларини бажариш чоғида жисмоний шахслар даромадларидан олинган солиқ тўловидан озод қилиниши, нафақат амалдаги судьялар учун, балки судьялик лавозимига номзодлар учун ижтимоий кафолатларни таъминлашнинг муҳим механизми бўлиб, заҳирани шакллантиришда қўшимча омил бўлади.

Шунингдек, қонун лойиҳаси билан судьяларни даврий малака аттестациясидан ўтиш тизими, самарасиз ва судьянинг фаолияти сифатини баҳоловчи ортиқча механизми сифатида тутатилиши назарда тутилмоқда.

Қонун лойиҳасида тақлиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчалар судьялик лавозимига номзодларни танлаш ва тайёрлаш тизимини тўдан ўзгартиришга, судьялик лавозимига катта тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш ҳисобида судьялар корпусининг сифатини яхшилашга ижобий таъсир кўрсатади.

## Ишчи манфаатлари ҳимояда

Халқимизнинг асосий даромад манбаи ҳи-собланган ердан оқилонга фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш ва шунинг ба-робарида аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашда улар са-марали фаолият юритиб келмоқдалар.

2003 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2006 йилларда фермер ҳўжаликлари ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони қабул қилинган эди. Унда мавжуд қолхоз-совхозларни ширкат ҳўжаликлари, сўнгра фермер ҳўжаликларига айлантириш, маҳсулот сотиш, банк, агротехника қоидалари, аудит хизматлари, сўғурталаш ва солиқ турлари ҳақидаги вазифалар белгилан берилган эди. Бундай муҳим ҳужжатларнинг самараси орқали эришилётган оқсак натижалар деҳқон тафаккурининг ўзгариётгани, ҳўжалик юриштининг самарали усуллари изчил жорий этилаётгани, жойларда одамлар янгиликнинг самарасидир.

Лекин ҳали-ҳануз фермер ҳўжаликлари фаолиятида нуқсонлар мавжуд. Ер эгалари, фермерларнинг ҳаммаси ҳам табаруқ заминнинг ҳар қаричини қўзига тўйиб айлаб, ардоқлаб парваришлайпти, деб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 11 январдаги қарорига асосан, ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг бошланғич разряди биринчи разряд деб белгиланди ва нолинчи разряд бекор қилинди. Қарорга қўра, фермер ҳўжалиги ишчисининг ойлик маоши иш ҳақи тўлашнинг биринчи разряд тарифи, яъни 226 минг 629 сўмдан кам бўлмаган миқдорда белгиланиши керак.

Кўпгина фермер ҳўжалик-

ри раислари ва ходимларига меҳнат дафтарчалари очилмаган. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 81-моддасида — иш берувчи қорхонада беш кундан ортиқ ишлаган барча ходимларга меҳнат дафтарчасини расмийлаштириш шартлиги қатъий белгилан қўйилган.

Фермер ҳўжалигида ишлаётган ходимларнинг меҳнат стажлари ва иш ҳақларига дахлдор бўлган ҳужжатларни расмийлаштириш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ва архивларга топшириш муҳим масалалардан биридир.

Дейлик, ходим фермер ҳўжалигига ишга қабул қилинди ва иш берувчи ҳамда ходим ўртасида шартнома тузилди. Иш ҳақи белгиланди ва тўланаёпти. Ходим ишдан бўйса ёки касалланса, ўз-ўзидан қатор муаммолар келиб чиқади. Ана шу ва бошқа масалалар бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилган бўлса яхши. Акси бўлса-чи? Бу ҳақдаги ҳужжатлар архивга ёки вилоят ёхуд туман меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига топширилганими? Афсуски, бундай эмас. Ўйлаб кўринг, агар ҳужжатлар тўғри юритилмаган, архивга ёки меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига топширилмаган бўлса, ишчи ёки хизматчи қандай қилиб пенсияга чиқади? Фермер ҳўжаликларида мавсумий ишлайдиган ёлланма ишчиларнинг муаммолари билан ким қизиқади?

Аксарият ҳолларда ёлланма ишчи билан шартнома тузилмайди, меҳнат дафтарчаси юритилмайди. Аслида фермерларнинг ёлланма ишчиси ҳам ҳўжалик азёси сингари ўзи ишлаган муддат мобайнида меҳнат қончилигида белгиланган барча ҳуқуқлардан фойдаланишга ҳақли. Фермер у билан қонуний асосда муддатли ёки муддатсиз шартнома тузиши, шартномада томонларнинг барча мажбуриятлари белгиланган бўлиши керак.

Фермер ҳўжаликлари ва уларда меҳнат қилаётган ходимлар фаолиятидаги бундай нуқсонлар жиддий ташвиш туғдирмоқда. Бу ҳақда улар ҳуқуқ тартибдор идораларига мурожаат қилиб, масаланинг ечимини топишда кўмак сўрашмоқда. Туман прокуратуралари томонидан 215 та даъво аризаси киритишни сўраб, вилоят прокурори номига тақдимномалар берилган. Тайёрлов идоралари томонидан 231 та фермер ҳўжалигига оид 1,1 млрд. сўмлик даъво аризалари киритилган бўлиб, шундан 708 млн. сўмлик 227 та даъво аризалари қўрилиб, қаноатлантирилди. Масалан, Қарши туман прокуратураси томонидан фуқаро О.Бобокуловнинг туманда фаолият кўрсатаётган айрим фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ўзларига тегишли бўлган фермер ҳўжаликлари пахта майдонларини чопиқ қилдириб, иш ҳақларини берилмаётганлиги сабабли амалий ёрдам беришни сўраб ёзган аризаси юзасидан текшириш ўтказилди.

Текширишда аниқланишича, фуқаро О.Бобокулова 2013 йил июнь ойида ўзининг 63 нафар дўғонаси билан тумандаги Ферузбек Примов, Равшан

Тўраев, Одилжон Бозоров ва Сирожиддин Тошмуродов бошлиқ фермер ҳўжаликлари пахта майдонларини чопиқ қилса-да, уларнинг иш ҳақлари берилмаётганлиги аниқланган ва прокуратуранинг аралашуви билан ёлланма ишчиларнинг 15 млн. 400 минг сўм иш ҳақлари ундириб берилган. "Тошмуродов Сирожиддин", "Бозоров Одилжон", "Тўлашев Дибёрбек" фермер ҳўжаликлари раҳбарлари Т.Шодмонов, О.Бозоров ва Ф.Примовларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилиб, жарима жазоси таъинланган. Шунингдек, Қарши шаҳри Буюк Ипак йўли қўчаси 58-уйда яшовчи А.Ҳасанов Нишон туман прокуратурасига мурожаат қилиб, тумандаги "Нишон бунёдкори" фермер ҳўжалигида ишлаган иш ҳақларини ололмаётганлигини, уни олишда ёрдам беришни сўраган.

Туман прокуратураси "Нишон бунёдкори" фермер ҳўжалигидан А.Ҳасановга иш ҳақларининг қисқалиниши ва меҳнат қончилиги ривожланиши юзасидан мутахассис ўрганиши ўтказилганда, А.Ҳасанов расмий равишда ишга қабул қилинмагани ва унга таъаб тўлдирилмагани, у фермер ҳўжалигида оғзаки келишув бўйича ишлаб келгани, текшириш ишлари бошлангач, фермер ҳўжалиги ҳисобчиси А.Умурзоқов ариза муаллифининг хонадонига бир бош қўй ва 500 килограмм бугдой олиб бориб берганлиги маълум бўлди.

Нишон туман прокуратураси томонидан "Нишон бунёдкори" фермер ҳўжалиги раи-

Бахтиёр ИСМАТОВ,  
Қашқадарё вилоят  
прокуратураси бўлим бошлиғи

си Ю.Дайнововга нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 49-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка доир иш қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ўтган йили туман прокуратуралари томонидан ўтказилган 83 та мониторинг текширишларида вилоят "Пахта саноат сотиш" туман бўлимининг 171 нафар агрономи ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан интизомий, 919 нафарига маъмурий жазо чоралари қўлланилиб, 2597 нафар фермер ҳўжалиги бошлиғи оғохлантирилди. 144 та тақдимнома киритилди, фермерларнинг 48 нафарига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Судда 873 та даъво аризаси киритилиб, 1 млрд. 475 млн. сўмлик маблағ ихтиёрий равишда ундирилди.

Барча фермер ҳўжаликлари раҳбарлари ўз ишларини Ўзбекистон Республикасининг "Фермер ҳўжалиги тўғрисида"ги Қонуни, Меҳнат кодексини, Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилиш янада тақомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида олиб боришлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлиmlари ва архив ходимлари ўз бурчларини яхши англаб, фермер ҳўжаликларида ёлланма ишчилар меҳнати борасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилишлари шарт.

# Талон-торож қилинаётган минерал ўғитлар



**В**азирлар Маҳмасинининг 2004 йил 30 апрелдаги "Аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, ташуш ва сотишни назорат қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори мамлакат хавфсизлигини таъминлаш, аммиакли селитрани ишлаб чиқариш, тақсимлаш, ташуш ва сотишни назорат қилиш самарадорлигини ошириш, унинг йўқолиши, ўғирланиши ҳоллари, ундан портловчи моддаларни тайёрлаш учун компонент сифатида фойдаланиш имкониятига йўл қўймаслик мақсадида қабул қилинган. Аммиакли селитра биржа савдолари ва чакана савдода сотиладиган махсулотлар ва товарлар рўйхатидан чиқарилиб, минерал ўғитлар сотишининг оралик шохобчалари орқали сотиш тақиқланган. Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига "Кишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамиятлари орқали тузилган шартномалар асосида етказиб берилиши қўзда тутилган.

Мазкур қарорга мувофиқ вазифанинг нақадар долзарблиги ва давлат аҳамиятига молик эканлиги инобатга олиниб, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2004 йил 14 декабрда "Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига аммиакли селитрани етказиб бериш шартномаларини тузиш, сақлаш ва бериш тартиби тўғрисида Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қўшма қарори қабул қилинди. Бу қарорнинг 10-бандида минерал ўғит махсулотларининг сақлаш хавфсизлигини таъминлаш ва уни кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига етказиб бериш вазифаси ИИБнинг қўриқлаш бошқармаси тизимига юклатилди.

Шу билан бирга, кўрсатиб ўтилган қарорлар ижросини тўлиқ таъминлаш мақсадида ИИБнинг 2009 йил 14 ноябрдаги буйруғига асосан аммиакли селитра минерал ўғитини ташуш, сақлаш, тарқатиш ва ишлатилишини назорат қилиш

ИИБ патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бош бошқармаси тизимига юклатилган.

Жумладан, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан биргина ўтган йил мобайнида минерал ўғитларни ноқонуний ташуш, талон-торож қилиш ва ноқонуний сақлаш бўйича 46 та ҳолатда жами 67 тонна 150 кг. минерал ўғит махсулотлари ҳужжатлаштириб олинган.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоят "Кишлоқхўжаликкимё" ХАЖ тизимидаги қорхоналар фаолияти устидан идоравий назорат ва ички таъминот интизом бўлаштириб юборилганлиги, жамият ва унинг қўйи тизимидаги қорхоналар мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларига масъулиятсизлик ва ўзибўларчилик билан қараганлиги натижасида айрим мансабдор ва моддий жавобгар шахслар томонидан турли суистеъмолчиликлар ҳамда ўзлаштириш ҳолатлари содир этилган.

Жумладан, "Кишлоқхўжаликкимё" ХАЖ тизимида кишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун ажратилган минерал ўғитларнинг сақланиши таъминланмаганлиги оқибатида тизимдаги қорхоналарда ўтган йилнинг ўзига 1,3 млрд. сўмдан ортиқ 2,320 тонна минерал ўғит талон-торож қилинган. Мисол учун, вилоят "Кишлоқхўжаликкимё"

ХАЖ бошқаруви раиси Н.Ўтапов ҳамда Дўстлик, Арнасой, Пахтакор филиаллари мансабдор ва моддий жавобгар шахслари жиноий тил бириктириб, кишлоқ хўжалик экинларини озиклантириш учун ажратилган 921 млн. сўмлик минерал ўғитларни талон-торож қилишган.

Шу каби ҳолатларга эътиборингизни қаратмоқчимиз: "Санзор-15" ИПХ масканида К.Даманов "Ваз-2101" русумли машинасида 600 кг. аммиакли селитра минерал ўғитини Пахтакор тумани "Ю.Жаркаев" фермер хўжалиги раҳбари Ж.Эшонқуловдан сотиб олиб, қайта сотиш мақсадида олиб кетаётганида ушланган.

Худди шу ИПХ масканида А.Қосимов "Нексия" машинасида 150 кг. аммиакли селитрани Дўстлик тумани "Олтиш бобо" фермер хўжалиги раҳбари Ж.Жангақовдан сотиб олиб, қайта сотиш мақсадида олиб кетаётганиги аниқланган.

Зомин тумани Бирлик маҳалласида яшовчи Е.Исаев ҳовлисида 800 кг. аммиакли селитра минерал ўғитини ноқонуний сақлаб келган экан. Олиб борилган суриштирув ишлари давомида Е.Исаев минерал ўғитни "Дилшод-Достон" фермер хўжалиги раиси М.Саттаровдан олганлигини тан олди.

Баҳмал тумани ҳудудида эса фуқаро А.Сарибоевга тегишли "Ford" русумли автомашинада

**Ҳабибулла ТУРҒУНОВ,**  
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

"Аббос Аҳмедов" фермер хўжалиги раиси С.Аҳмедов номига расмийлаштирилган 58 қоп аммиакли селитра минерал ўғитининг 48 қопи автомашинада, қолгани "Шодмон" қишлоғида яшовчи М.Бобобековнинг уйида сақланаётганиги аниқланган. Шунингдек, фуқаро Б.Ёдоров "Зил-138" русумли юк машинасида Самарқанд вилояти, Булунгур туманида яшовчи Қ.Абдураҳмонов тегишли ҳеч қандай ҳужжатларсиз 5000 кг. аммиакли селитра минерал ўғитини олиб кетаётганда ашёвий далил билан ушланган. Маълум бўлишича, Қ.Абдураҳмонов бу минерал ўғитларни Дўстлик туманидаги "Шоҳжаҳон Янгибоевич" фермер хўжалиги раҳбари Я.Қаршибоевдан 1 млн. сўм эвазига сотиб олган экан.

Юқорида қайд этилган барча ҳолатлар бўйича айбдор шахсларнинг жавобгарликка тортилиши таъминланди.

Бу каби ҳолатларга билиб-билмай йўл қўётганлар ерни озиклантириш учун ажратилган минерал ўғитларни шахсий манфаатлари йўлида талон-торож қилиб, давлат манфаатларига, ерга ҳамда экинларга жиддий зиён келтираётганини қачон тушуниб етаркин?

## Назорат тадбирлари давом этади

Бугун юртимизнинг қайси ҳудудига борманг, овул ва маҳаллаларимиз, шаҳар-у қишлоқларимизнинг кун сайин чирой очиб бораётганига, замонавий уй-жойлар, маҳалла гузарлари, савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш масканлари қўрилаётганига, кўчаларимизни тўлалиб ҳаракатланаётган автомашиналарга кўзингиз тўшам. Жаннатмакон юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар қадамда учрайилган бу каби обод турмуш манзаралари кўнгилимизни тоғдек кўтариб, бизни бунёдкорликка, эзгулик ва шукроналикка чорлайди.

**Ю**ртимизнинг барча гўшаларида бўлгани каби Амударё туманида ҳам жорий йилда салмоқли натижаларга эришилди. Мавсумнинг ўзига хос кийинчиликларига қарамайдан, деҳқонларимизнинг йил бўйи фидойилик билан қилган меҳнатлари самараси ўлароқ пахта, галла, сабзавот ва полиз ҳамда бошқа экинлардан мўл ҳосил олинди.

Бундай ютуқларга эришишда аввало, она заминимизнинг беминнат саховати, муҳтакам Президентимиз бошчилигида аграр соҳани ривожлантириш учун кўрсатилаётган эътибор, соҳада амалга оширилаётган улкан ислохотлар асосий омил бўлмоқда. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида "Деҳқон бой бўлса — юрт бой бўлади" деган ҳаётий ҳақиқат асосида қабул қилинган энг тўғри ечим — ерни ўз эгасига топшириш, деҳқоннинг моддий манфаатдорлигини ошириш орқали юрт дастурхонининг тўқин-сочинлигига эришиш гоёси бугун ўзини тўла оқлаганига барчамиз гувоҳис.

Истиқлол сабабли юртимиз кишлоқ

хўжалигида жорий этилган фермерлик ҳаракати кишлоқдаги ҳал қилувчи ижтимоий-сиёсий қуғга айланиб улгурди. Фермерларимиз кишлоққа саноатни олиб кириш, кўп тармоқли хўжалик юритиш орқали тадбиркорлик ривожига ҳисса қўшишдек иқтисодий масалалардан тортиб, кишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлаш ҳамда даромадларини ошириш, ҳудудларни обод қилиш каби ижтимоий масалаларга ҳам масъулият билан киришмоқдалар.

Фермер хўжаликларига давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар тўла яратилиб, амалий ёрдам берилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Фермерлик янада қўллаб-қувватлаш, унинг моддий-техник ва молиявий базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор натижасида фермерларга янги имтиёз ва преференциялар тақдим этилмоқда. Бундай имкониятлар ҳар бир фермернинг янада фаол ишлашга, давлат ва жамият олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда янги-янги марраларни забт этишга чорламоқда.

Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида асосан фермерлик ҳаракатини янада такомиллаштириш, фермерларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, кишлоқни ободонлаштириш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашдаги ролини қучайтириш вазифалари белгиланган берилди. Эндиликда жойлардаги фермерлар Кенгашлари фермер хўжаликларини ташкил этиш ва қайта ташкил этиш, ерни ҳақиқий эгасига топшириш ва ундан самарали фойдаланишда жамоатчилик назоратини ўрнатиш, ер участкаларини узоқ муддатга ихарага бе-

риш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг фаолият кўрсатишига доир мезъорий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини қабул қилиш билан боғлиқ ишларнинг бош ташаббускори бўладилар. Буларнинг барчаси фермерлик ҳаракатининг ва шу орқали аграр тармоқнинг янада ривожланиб, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда. Жорий йилда кишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган ишлар натижасида пиллакорларимиз 243,5 тонна пилла етиштириб, йилнинг дастлабки шартномавий режасини ортиги билан бажардилар.

Галлакорларимиз эса 2800 гектар майдонга экилган галланинг ҳар бир гектаридан ўртача 37-38 центнердан ҳосил олиб, 10 минг тоннадан ортиқ бугдой етиштирдилар, шундан 4605 тоннаси шартнома асосида қабул масканларига топширилди.

2013 йилнинг 29 сентябрь санаси туманимиз ҳаётида қувончли кун бўлди. Пахтакорларимиз 33 минг 50 тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, меҳнат галабасини қўлга киритдилар.

Хозирда туманимизда 950 дан ошди фермер ва тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Фермерларнинг ерга, ўз мулкига эгалик ҳисси тобора қучайиб, кишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ўз меҳнатида манфаатдорлиги, одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараш юксалиб бораётгани эришилган меҳнат зафарининг пойдевори бўлди десак янглишмаймиз.

Аммо ғуруч қурмакисиз бўлмаганидек, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман прокуратураси томонидан кишлоқ хўжалиги соҳасида қонулар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида айрим қонунбузилиш ҳолатлари ҳам аниқланди. Натижасига

**Расул ХАЛМУРАТОВ,**  
Амударё туман прокурорининг катта ёрдамчиси

қўра 2 та протест, қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан 17 та тақдимнома киритилди. Қонунбузилишга йўл қўймалик юзасидан 46 та оғохлантирув эълон қилиниб, 9 нафар шахс интизомий ва 90 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. 5174 минг сўмлик етказилган зарар иختиёрий қопланди ҳамда қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилиб, 52 та фермер хўжаликларининг қонуний ҳуқуқлари тиклинишига эришилди.

Масалан, жорий йилнинг январь ойида тумандаги "Аминбай Иномжон" фермер хўжалиги раиси А.Ибрагимов туман прокуратурасининг "007" рақамли ишонч телефонига мурожаат қилиб, тумандаги "Юлдуз" ОАЖдан 2012 йил пахта ҳосилидан қолган 14 млн. 350 минг сўм маблағни ундиришда ва лизингга техника олиш учун ўтказишда амалий ёрдам беришни сўраган эди.

Мазкур мурожаат туман прокуратураси томонидан қўриб чиқилиб, пахта тозалаш заводидан маблағ олиб берилди ҳамда кўрсатилган амалий ёрдам натижасида фермер хўжалиги янги техника сотиб олишга муваффақ бўлди.

Айни пайтда келгуси йил ҳосили учун тайёрларлик ишлари қизгин бошлаб юборилган. Пахтадан тозаланган далаларда кетма-кет шудгорлаш ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, ариқ ва зовурларни тозалаш, атроф-муҳитни ободонлаштириш амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси, албатта, келгуси йил ҳосили учун замин бўлади.

## Чекланган доирадаги ахборот

Мен мамлакатимиз қонуниларини жуда ҳурмат қиламан. Бошқаларнинг ҳам мен сингари қонун талабларига сўзсиз бўйсунушларини истайман. Масалан, қонунариимизда ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга эканлиги, фуқароларнинг мурожаатлари юзасидан бир ой ичида жавоб берилиши шартлиги белгиланган. Бироқ ҳозирда айрим мансабдорлар амалдаги қонуларнинг бу каби талабларини бита туриб ҳам бажармасликка ҳаракат қилишди. Шундан келиб чиқиб, мансабдор шахслар исталган ахборотни бермасликлари, жавобини кечиктиришига ёки умуман бермасликка ҳақлари борми?

Менга ахборот олишнинг тартиб-қоидалари, жавоб олиш муддатлари тўғрисида маълумот берсангиз.  
Ш.Рустамов, Термиз тумани

Бу ҳолат биз сўраётган ахборот турига боғлиқ. Яъни агар сўраётган ахборот махфий бўлса ёки уни ошкор этиш натижасида шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етиши мумкин бўлса, ахборотни бериш "Ахборот эркинлиги принциплари ва қафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддаси талабларига қўра рад этилиши мумкин.

Сўраётган ахборотни бериш рад этилганлиги тўғрисидаги хабар сўров билан мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кунлик муддат ичида ахборотни беришни рад этиш сабаби кўрсатилган ҳолда юборилади.

Ахборот берилиши қонунга хилоф равишда рад этилган шахслар, шунингдек, ўз сўровига ҳаққоний бўлмаган ахборот олган шахслар ўзларига етказилган моддий зарарнинг ўрни қонунда белгиланган тартибда қопланиши ёки маънавий зиён

компенсация қилиниши ҳуқуқига эга.

Ахборот олиш тартибига тўхталадиган бўлсак, ҳар ким ахборот олиш учун бевосита ёки вакиллари орқали ёзма ёхуд оғзаки сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг исми, отасининг исми, фамилияси, манзили (юридик шахсларнинг эса рекевизитлари) ҳамда сўраётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилиши лозим. Сўровлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак.

Ёзма сўровга имкон қадар қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши лозим.

Оғзаки сўровга имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши керак.

Сўраётган ахборотни ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмларида назарда тутилган муддатда тақдим этишининг ило-

жи бўлмаган тақдирда ахборот олиш учун мурожаат этган шахсга уни тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисида хабар юборилади.

Сўраётган ахборотни тақдим этишни кечиктириш сўров берилган санадан эътиборан икки ойдан ортиб кетмаслиги лозим. Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабар ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан бир ҳафта муддат ичида юборилади.

Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак: сўраётган ахборотни вақтида тақдим эта олмаслик сабаблари;

сўраётган ахборот тақдим этилганлиги сана.

Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўраётган ахборотга эга бўлмаса, ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши шарт.

## Ишдаги чеклов

Опам билан бир ташкилотнинг бухгалтериясида ишлар эдик. Ташкилотимиз бош ҳисобчиси вафот этганидан сўнг, мени бош ҳисобчи этиб тайинлашди. Лекин янги раҳбар келганидан кейин опа-ўкалар бир ташкилотда ишлашлари мумкин эмас, деганидан кейин кадарлар бўлими ходими бизни оғоҳ-лантирди. Шундан сўнг, опам ишдан кетди, мен эса ўз иш жойимда қолдим. Шу ҳолат тўғрисида?

Ю.Рустамов,  
Навоий шаҳри

Х ақиқатан ҳам бундай ҳолат амалдаги Меҳнат кодексидан назарда тутилди. Бироқ бу давлат корхонасида ишлайдиган қариндош-уруғларнинг бир ҳизмат қилишларини чеклашга қаратилган. Хусусан, шу ҳақдаги нормани белгилловчи Меҳнат кодексининг 79-моддаси талаби бўйича, ўзаро яқин қариндош ёки қўда-анда бўлган шахсларнинг (ота-оналар, ака-ўкалар, опа-сингиллар, ўғил ва қизлар, эр-хотинлар, шунингдек эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-ўкалари, опа-сингиллари ва болалари), башарти улардан бири иккинчисига бевосита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари тақиқланади.

Лекин бу қоидага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат (акционерлик) корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 79-моддасида назарда тутилган қариндош-уруғларнинг, агар уларнинг хизматлари улардан бирининг бошқасига бевосита бўйсунуши ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисно этилиши мумкин бўлган ходимлари Рўйхати"да истиснолар ҳам белгиланган. Мазкур Рўйхатда белгиланган истиснолар қуйидаги соҳа ходимларига нисбатан татбиқ қилинади:

- хориждаги дипломатик хизмат ходимлари;
- давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари, шунингдек, қишлоқ жойлардаги қишлоқ хўжалиги бўйича илмий-тадқиқот муассасаларида ишловчи қишлоқ хўжалиги мутахассислари;
- темир йўл транспортининг линия корхоналари ходимлари, шунингдек, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат-акционерлик компаниясининг йўл, қурилиш-монтаж ва темир йўлларнинг ихтисослаштирилган трестларининг қурилиш-монтаж ва кўприксозлик поездлари, механизациялашган колонналари ва бошқа ҳаракатланувчи тузилмаларнинг ходимлари, бу корхона ва ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари;
- алоқадан фойдаланиш корхоналари ва ташкилотлари ходимлари;
- соғлиқни сақлаш даволаш-профилактика ва санитария-профилактика муассасаларининг шифокорлари;
- барча ўқув ва тарбия муассасаларидаги педагог ходимлар, ўқитувчилар, библиографлар ва кутубхоначилар;
- театрлар, бадий жамоалар ва студияларнинг артистлари, рассомлари ва мусиқчилари;
- илмий муассасалар ходимлари, шунингдек, сейсмик станциялар ходимлари;
- гидрометеорология бош бошқармаси тармоқ ташкилотларининг ходимлари.
- дала геология экспедициялари, партиялари, отрядлари ва участкалари ходимлари;
- қишлоқ жойларда ишлайдиган ўрмон ва сув хўжалиги мутахассислари, халқ таълими ходимлари, тиббиёт ходимлари, маданий-маърифий муассасалар ходимлари;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан фойдаланиши амалга оширувчи йўл ташкилотларининг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари;
- қурилиш-монтаж ва кўприксозлик қуриш поездлари, механизациялашган колонналар ва бошқа кўма махсус қурилиш тузилмаларининг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари;
- дарё флотиди кемаларининг сузувчи таркиби ходимлари ва дарё транспортидан фойдаланиш корхоналари ва ташкилотлари ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари;
- магистраль трубопроводлар қурилиши ҳамда нефть ва газ конларини тартибга келтиришни амалга оширувчи қурилиш, қурилиш-монтаж ва бошқа ихтисослаштирилган бошқарма ва участкаларнинг ходимлари, бу ташкилотларнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари;
- ҳавза ва қўллардаги балиқчилик хўжаликлари, балиқчилик заводлари, балиқларга увдликлар сочиш ва уларни ўсдириш хўжаликлари ва балиқларни озиқлантирадиган жойларнинг ходимлари, бу корхоналарнинг бош бухгалтерлари ва кассирларидан ташқари.

### ҲУҚУҚИЙ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса, бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингиз "Huquq" газетасининг «huquq@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос Дониёр ХАЛИЛОВ жавоб бери.

## Инсонпарварлик тамойили

Мени баъзи бир ноҳақликлар таажублантиради. Масалан, оғир жиноят содир этган шахслар ҳам амнистия актига асосан жазолан озода этилиши ёки енгиллик берилиши адолатлими? Амнистияга амал қилиш муҳлати қачонгача?

А.Тўрақонов, Марғилон шаҳри

Амнистия — қонунчилигимизга мубофиқ, ҳаққилимизга хос бўлган бағрикенглик ва кечиримлилиги ўзида ифода этадиган инсонпарварлик тамойилининг ифодасидир. Қолаверса, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг самараси, хусусан, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият эканлиги қонун билан қафолатланган. Шу жумладан, амнистия актининг либераллаштириш жараёни билан боғлиқлик жиҳати шундаки, ҳар иккисидан ҳам шахснинг ўзини юксалтириш ва имкониятларини кенгайтириш, жа-

миятда бағрикенглик, инсонпарварлик фазилятларининг чуқур илдиэ отишига замин яратишдек эзгу мақсад ётади. Шу сабабли ҳам, жиноят содир этган шахсларга нисбатан амнистия актининг қўлланилиши уларга жамиятга қайтиш, соғлом турмуш кеңириш, жамоатчилик назорати асосида тарбияланиш учун бериладиган имкониятлардан саналади.

Амнистия актининг муддатда шу ҳақдаги қарорнинг ўзида қайд қилинади. Хусусан, мамлакатимизда амнистия тўғрисидаги муқаддам қабул қилинган қарорларда у эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириб, ун ой мобайнида иккунга қайд қилинган.

рининг ўзини ҳисобга қўшмай туриб, ундан келиб чиққан авлодлар сони ҳисобга олинади.

Ҳисоб аждодлар томон тўғри шахсга бўйича улар учун умумий бўлган шахсга (аждодга) қараб ва ундан эса, авлодлар томон — улардан бошқасига қараб олиб борилади.

Туғишган ака-ука ва опа-сингил қариндошлиқнинг иккинчи даражасида, тоға ва амаки, амама ва хола ўз жиянлари билан қариндошлиқнинг учинчи, тоғавачча, амакивачча ва холаваччалар эса — тўртинчи даражасида турадилар.

Бундан ташқари, қариндошлиқда ёт аралашган ва ёт аралашмаган қариндошлик ҳам бўлади. Жумладан, ака-ука ва опа-сингиллар ҳам ёт аралашмаган ва ёт аралашган қариндош бўлиши мумкин. Оила кодексининг 58-моддасида қўра, ака-ука ва опа-сингиллар бир ота-онадан келиб чиққан бўлса, ёт аралашмаган, ота бир она бошқа ёки ақсична она бир ота бошқа бўлса, ёт аралашган қариндош ҳисобланади. Ёт аралашмаган қариндошлиқда ака-ука ва опа-сингиллар туғишган, ёт аралашган қариндошлиқда эса, ака-ука ва опа-сингиллар ўғай ҳисобланади.

Эр-хотиннинг илгариги никоҳларидан бўлган болалари ўзаро қариндош ҳисобланмайди.

## Менинг қариндошим

"Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятида доимий прописки қилинган лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоғфаларининг рўйхати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига илова қилинган рўйхатнинг 2-бандида "Қариндошлар ўзаралиқнинг тўғри шахсга бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошлари доимий прописки қилинган уй-жой майдонига" леб кўрсатиб ўтилган.

Ўзаралиқнинг тўғри шахслари бўйича биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларга қиммат қилиниши лозимлиги ҳақида аниқ маълумот берсангиз.

Бир ота-онанинг фарзандлари, яъни ака-ука ва опа-сингиллар, улар бир-бирлари учун тўғри шахсларнинг қайси даражасига қўйилади.  
Д.Эргашева,  
Қарши шаҳри

Амалдаги қонун талабларига қўра, бир умумий учинчи шахсдан (аждоддан) келиб чиққан шахслар қариндошлар ҳисобланади. Икки шахс ўртасидаги тўғри шахсга бўйича қариндошлиқнинг ақинлиги қариндошлиқ даражаси, яъни туғилиш сони билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 57-моддасида белгиланган қоидага мубофиқ, қариндош ота-онасига нисбатан тўғри шахсарадаги биринчи, невага бобосига, бувисига нисбатан иккинчи, эвара катта бобосига, катта бувисига нисбатан — учинчи даражада-

ги қариндош ҳисобланади ва ҳоқзо.

Ака-ука, опа-сингил, уларнинг болалари, ота-онанинг ака-ука ва опа-сингиллари ҳамда уларнинг болалари, бобо ва бувисларнинг ака-ука ҳамда опа-сингиллари ва уларнинг болалари ва шунга ўхшашлар ён шахсга бўйича қариндошлар ҳисобланади ва ҳоқзо.

Тўғри шахсга бўйича қариндошлар ён шахсга бўйича қариндошларга нисбатан яқинроқдир.

Икки шахс ўртасида қариндошлиқнинг узок-яқинлигини аниқлашда, даражаларнинг сони ёки шу шахслардан би-

# Амнистия актини қўллаш амалиётини такомиллаштириш масалалари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суа-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва жиноят қонунчилигини эркинлаштириш замирида авваломбор, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари, жиноят содир этган шахсларга нисбатан ке-чиримли бўлиш мақса-лари муассамлашган.

Бу борада жамият ҳаёти-нинг энг улуг саналари-дан бўлиши муста-қиллик байрами ва Консти-туциямиз қабул қилинган кутлуг кунларда қабул қилиниши анъанага айланиб қолган амнистия актининг эълон қилиниши ва унинг ҳаёта татбиқ этилиши алоҳида аҳамият касб этиб бор-моқда.

Ўзининг юридик табиатига кўра, амнистия умумий авф этиш акти сифатида олий дав-лат ҳокимияти органи томони-дан айрим шахсларни жазодан озод қилиш, жиноят иш-ини ту-гатиш ёки жазони енгиллаш-тириш ҳақида қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Ушбу ҳужжат том маънода сиёсий-ҳуқуқий даврга эга бўлиб, жамиятимиз ҳаётининг ажодларимизга хос бўлган ўзаро ҳамжихатликда ва му-ро-са-ю мадора тамойилларига асосланган тараққиётга ўзи-нинг алоҳида ҳиссасини қў-ш-моқда. Зеро, мазкур ҳужжат нафақат демократик давлат ва фуқаролик жамиятининг усту-вор йўналишларини, балки хал-қимизнинг минг йиллар да-во-мида асраб-авайлаб келаётган қадриятларини, бағрикенглик ва мурувват каби олий фазилат-ларини ҳам ўзида ифода эта-ди.

Амнистия актини қўллаш орқали хато қилган ва шу ҳолат-ларни тушуниб етиб, ўз қилми-шидан пушаймон бўлганларга нисбатан ҳаётларини тўғри йўлга солиш учун имкон ярати-лади. Шу боис ҳам, амнистия актига фақатгина маҳкуми ёки жиноят содир этган шахсни жазодан озод этишни кўзда ту-тувчи ҳужжат сифатида баҳо бермаслик керак. У жазодан озод этилган шахснинг ҳаёти-да ўз ўрнини топиб кетишида ҳам муҳим рол ўйнайди. Чунончи, амнистияга биноан жазодан озод этилган шахсларнинг иж-тимоий ўқимаси ва ҳимояси-га оид комплекс чора-тадбир-лар ҳам амалга оширилади.

Бир сўз билан айтганда, ам-нистия актини қўллаш — ғай-риқонуний ҳаракатлар содир эт-ган жиноят процесси иштирок-чилардан бири бўлиши гу-монланувчи, айбланувчи ёки судланувчи учун маълум им-коният ва енгилликлар туғдириш мажмуаси десак муболага бўлмайди.

Шу билан бир вақтда, амни-стия актини қўллаш амалиётида жиноят процессининг бошқа иштирокчиси бўлган жабрлан-увчилар ҳуқуқларининг рўёб-га чиқарилишига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолат ҳақида фикр билдириш мумкин.

Амнистия актини қўллашда қонунбузарликларга, суиистеъ-молликларга ҳамда бошқа фу-қароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказил-маслигини таъминлаш муҳим масала саналади.

Маълумки, амнистия акти ижросига оид Ўзбекистон Рес-публикаси Олий Мажлиси Се-нати қарори билан тасдиқла-

надиган, Сенатнинг амнистия қарорини қўллаш тартиби ҳақидаги Низом амнистия акти-ни қўллаш бўйича асосий ҳуқуқий ҳужжат ролини ўйнай-ди. Юридик моҳиятига кўра, қонун мақомига эга бўлган ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни нафақат Сенатнинг амнистия тўғрисидаги қарорини қўллаш тартибини шарҳловчи ҳужжат сифатида, балки амнистия ак-тини қўллашга мутасадди бўлган идора ва ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, маҳал-лий давлат ҳокимияти, вакил-лик, шу жумладан, суд орган-лари томонидан амалга ошири-лиши лозим бўлган чора-тад-бирлар мажмуи сифатида ҳам баҳолаш даркор.

Шу боис ҳам, ушбу ҳужжат-да белгиланган ва қўлланили-ши жабрланувчилар учун маъ-лум зиддиятчи вазиятларни юзага келтираётган ҳолатга ало-ҳида эътибор қаратмоқчимиз.

Ушбу Низомда жиноий ҳара-кати амнистия акти доирасига тушадиган шахс, гумон қили-нувчи ёки айбланувчига нисба-тан унинг розилиги билан тер-говга қадар ўтказилган текши-рув материаллари бўйича жи-ноят иши қўзғатишни рад этиш ёки айбдорлик масаласи ҳал этилмай жиноят иш-ини ту-гатиш ва бундай шахсларнинг ҳара-кат-лари оқибатида етказилган зар-рарининг ўрнини қоплаш маса-лалари фуқаролик суд ишлари-ни юритиш тартибидида ҳал қили-ниши ҳақидаги қонунда мавжуд.

Амнистия акти асосида бу каби ишлар бўйича фуқаровий даъволарни таъминлаш тарти-би билан боғлиқ амалиётда юзага келаётган айнан шу қонда мазкур тоифадаги ишларнинг иштирокчилари бўлган жабрлан-увчиларнинг ҳуқуқ ва эркин-ликларининг поймол қилиниши-га олиб келаётган ҳуқуқий оми-л бўлиб қолмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрь кунги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигир-ма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Қарори-ни қўллаш тартиби ҳақида"ги Низомнинг 12-бандида жазо тайинланмай жавобгарлик ва жазодан озод қилинган шахс-ларнинг қилмишлари оқибати-да етказилган зарарининг ўрни-ни қоплаш масалалари фуқа-ролик суд ишлари юритиш тар-тибидида ҳал қилиниши белгила-б қўйилган.

Низомнинг ушбу бандига амал қилган ҳолда, судлар то-монидан айбланувчиларга нисба-тан иш амнистия актига асо-сан айбиллик масаласи ҳал этилмай тугатилса, жабрланув-чиларга зарарни ундириш бўйича фуқаролик судига (яъни, бошқа тоифадаги судга) му-ро-жаат қилиши лозимлиги ту-шунтирилмоқда.

Шу тариқа жиноят ишлари бўйича суд ҳараёнида айбланув-чи жавобгарликдан ёки жазо-дан озод этилиши билан бир вақтда, жабрланувчининг кўз ўнгига да ҳар ҳолда унинг ту-шунчасига кўра (агар жабрлан-увчи судда иштирок этган бўлса) унга зарар етказган шахс (яъни, амнистия актига асо-сан жазодан озод бўлган шахс) ет-казилган зарарни қоплаш маж-буриятдан ҳам озод қилинган-

дек намоён бўлади. Аксарият ҳолларда эса, жабрланувчи унга зарар етказган шахсга ам-нистия акти қўлланилгани ва етказилган зарарни фуқаролик суди орқали ундириб олини-ши лозимлиги ҳақида суднинг ушбу қарори қабул қилинган-дан сўнг анча вақт ўтган ҳаба-р топади. Чунончи, жиноят-про-цессуал қонунчилигининг амал-даги нормаларига биноан, иш-ини судга қадар юритиш бос-қичида амнистия актини қўллаш билан боғлиқ суд про-цессига жабрланувчининг иш-тироки кўзда тутилмаган (ЖПҚнинг 590-моддаси). Шу тариқа амнистия актини қўлла-ётган суд томонидан жабрлан-увчиларга етказилган зарар масаласи мазмунан муҳокама қилинмайди.

Мазкур қонунчиликка муво-фиқ (ЖПҚнинг 590-моддаси 10-қисми), суд шахсни амни-стия актига асосан жазодан озод этган тақдирда, бу ҳақида аж-рим маълумот учун жабрланув-чига юборилиши кўзда тутил-ган, ҳолос. Яъни иш-ини судда қўриш процессида қатнашмаган жабрланувчига ҳаба-р нари бор-са почта орқали етказилади ёки умуман етиб келмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг амнистия актини қўллаш билан боғлиқ прокуратура органларининг ва-зифаларини белгилловчи кўр-сатмаларида жойлардаги про-курорлардан амнистия акти юқорида баён этилган тартиб-да қўлланган бўлса, етказилган зарарни жабрланувчиларнинг фойдасига ундириш мақсадида фуқаролик судларига даъво ари-залари киритиш лозимлиги та-лаб қилинади.

Таъкидлаш жоизки, прокура-тура органлари томонидан ушбу талаблар ихроси таъминлаб келиниб, амнистия асосида жа-вобгарликдан ва жазодан озод қилинган ҳар бир ҳолат бўйича индивидуал тартибда даъво ари-залари киритилмоқда.

Амнистия акти доирасига тушган ушбу тоифадаги ишлар бўйича прокурор томонидан даъво аризаси киритиш орқа-ли жабрланувчиларнинг ҳуқуқ-ларини рўёбга чиқариш мука-рар равишда қўшимча вақт, куч ва маблағ сарфлашига ургу бермаган ҳолда, етказилган зар-рарни амалдаги қонунчиликка кўра фуқаролик суди тартиби-да қўриб чиқиш ҳараёнига эъти-бор қаратишни лозим, деб ҳисобламиз.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролик-процессуал қонун-чилигида прокурорлар томони-дан киритилган бу каби даъво аризаларининг соддалаштирил-ган тартибда қўрилиши назар-да тутилмаган. Бу эса ўз навба-тида, амнистия акти қўллани-лувчининг ғайриқонуний ҳара-кати орқали зарар етказилган-лиги аён бўлиб, бу ҳолат ўз ис-ботини топган бир вақтда,

ушбу зарарни ундириш билан боғлиқ масаланинг фуқаролик суди ҳараёнида умумий тар-тибда қайтадан қўриб чиқи-ли-шга олиб келмоқда. Яъни бу тоифадаги ишлар юзасидан фуқаролик тартибидида иш юри-тилиши бarchа талабларига риоя қилинган ҳолда, судда фуқаролик иши қўзғатиш (ФПҚнинг 15-боби) тартибидан тортиб, то бу ишларни қўриб

чиқишгача (ФПҚнинг 17-боби) бўлган бarchа ҳаракатлар фуқа-ролик-процессуал қонунчили-гида белгиланган талабларга қатъий риоя қилинган ҳолда амалга оширилади.

Айниқса, фуқаролик ишлари-нинг судловга тааллуқлилиги бўйича юритиш асосларига кўра, даъво аризалар жавобгарнинг доимий яшаб турган жойидаги судга берилиши (ФПҚнинг 145-моддаси) ҳақидаги талаблар жабрланувчилар учун ўта тушу-нарсиз ва ноқулай вазиятни юзага келтиради. Жумладан, жабрланувчи амнистия актига асосан жазодан озод қилинган шахс томонидан ўзининг яшаб турган ҳудудидида жабр кўрган бўлса-ю, жавобгар бошқа бир ҳудудда доимий яшаб жойига эга бўлса, унда жабрланувчи айбланувчининг яшаб жойида-ги судга қатнаши шарт бўлиб қолмоқда. Айниқса, бу ҳудудлар бошқа-бошқа вилоятларда жой-лашган тақдирда жабрланув-чиларга нисбатан туғиладиган қийинчиликни тасаввур этиш-нинг ўзи амри маҳолдир.

Бунинг устига мазкур тоифа-даги ишларнинг қўрилиш ама-лиётининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, деярли бирон-бир фуқаролик суди процессига жавобгар (амнистия акти асо-сида жавобгарликдан ва жазодан озод бўлган шахс) ўз вақтида келмайди. Бу эса ўз-ўзидан зарарни жабрланувчи учун ортиқча сансалорлик, иш-ини мазмунан ҳал қилиш учун қўшимча вақт ва маблағ сарф-лашишига олиб келади.

Ваҳоланки, амнистия актини қўллаш ҳақидаги айбдор шахс томонидан берилган ариза ман-тиқан ва мазмун-моҳиятига кўра, бу шахснинг содир этган жи-ноий хатти-ҳаракатларига иқдор эканлигини, бошқача сўз билан айтганда, ўзининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари орқали ет-казилган зарарни ҳам ўз бўйича олганлигини англатади.

Айрим амалиёт ҳодимлари томонидан амнистия асосида жазодан озод этилган шахс то-монидан етказилган зарарни ундириш билан боғлиқ масала-лар фуқаролик судларидида сод-далаштирилган тартибда, даъ-вогар исботлашдан озод қилин-ган қўринишда ҳал қилиниши, яъни фуқаролик ишлари бўй-ича судлар бундай тоифадаги ишларнинг қўрилишида нота-риал идоралар сингари аввал-дан маълум ва аниқ бўлган юри-дик ҳолатнигина қайд этиб бе-ришлари ҳақидаги тартибни жорий этиш бўйича тақлифлар билдирилмоқда.

Амнистия актини қўллаш орқали жазодан ва жавобгар-ликдан озод қилинган шахслар томонидан жабрланувчиларга етказилган моддий (лозим бўлса, маънавий зарарни ҳам) зарарни ундириш билан боғ-лиқ ишларни фуқаролик тар-тибидида қўриш ҳараёнига оид фуқаролик-процессуал қонун-чилиги нормаларини қайта қўриб чиқиш ҳақида билдири-лаётган бу каби фикрлар ушбу масала ечимини топишнинг бир қўриниши, ҳолос. Аслида эса бундай йўл тутилиши, на-фақат қонун ижодкорлиги фа-олиятида узоқ изланиш ва вақт-ни талаб этади, балки ушбу муаммонинг аниқ ва ҳар томон-лама тўғри ҳал қилинишини

Зокир ИБРАГИМОВ,  
Тошкент шаҳар прокуратураси  
бўлим бошлиғи

таъминламайди.

Чунончи, амнистия актига асосан, айбиллик масаласини ҳал этмасдан жавобгарлик ва жазодан озод этилган шахслар томонидан жабрланувчига етказ-илган зарарни ундириш ҳа-қ-қидаги исбот талаб қилинмай-диган масалани юқорида қайд этилганидек, фуқаролик суди тартибидида ҳал қилинишининг ўзи (агар соддалаштирилган тартибда бўлса ҳам) мантисиз ва тушунарсиз ҳолат бўлиб қол-моқда.

Зеро, бу тоифадаги ишлар-ни фуқаролик тартибидида қўриш тартибига оид амалдаги қонун-чилик базаси қайта қўриб чи-қилган тақдирда ҳам, бу ҳолат жабрланувчига ўзининг ҳақ-ҳуқуқини рўёбга чиқариши учун асоссиз сансалорлик, ово-рагарчилик ва шу орқали ам-нистия актини қўлашнинг сиё-сий-ҳуқуқий жиҳатларига нисба-тан жиноят процессининг бошқа иштирокчилари онгиди асосли норозиликлар туғдиради. Бу ҳолатга, албатта, йўл қўйиб бўлмайди. Бинобарин, бирон-бир шахснинг амнистия актига асосан жазодан озод этилиши бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари тикланиши учун қўшимча тўсиқлар туғдиришга лозим.

Шу боис ҳам, амнистия акти-ни қўллаш борасида юзага ке-лаётган юқорида баён этилган ҳолатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишнинг қуйидаги қўриниши тақлиф қилинмоқда.

Юқорида таъкидланганимиз-дек, амнистия актини қўллаш тартибини белгилловчи Низом Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан тасдиқланиши боис шун ҳуж-жат қонун кучига эга ҳисобла-нади.

Шунинг учун ҳам, мазкур Ни-зомда белгиланган амнистия акти асосида айбиллик масала-си ҳал этилмай туриб, жавоб-гарлик ва жазодан озод этил-ган шахсларнинг ҳаракатлари оқибатида етказилган зарарнинг фуқаролик суд ишларини юри-тиш тартибидида ҳал қилиниши ҳақидаги қондага ўзгартриш киритиш ва унинг янги тахрир-да қуйидаги қўринишда қабул қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Амнистия актига асосан ай-б-иллик масаласи ҳал этилмай жавобгарликдан ва жазодан озод этилган шахслар томони-дан етказилган моддий ва маъ-навий зарарни ундириш маса-ласи, ушбу иш-ини ҳал этган жи-ноят ишлари бўйича судлар томонидан қонунчиликда бел-гиланган тартибда ҳал этилади.

Албатта, айбиллик масаласи ҳал қилинмай туриб, зарарни ундириш мажбуриятини жи-но-ят ишлари бўйича судларга юклатиш ҳақидаги бу тақлиф маълум эътирозлар туғдиради. Хар ҳолда бундай йўл тутили-ши етказилган зарарни унди-риш вазифасини иш юзасидан етарли ҳуқуқий ваколат ва асо-сларга эга бўлмаган ҳамда исбот-лов имкониятлари чегаралан-ган фуқаролик ишлари бўйича судлар зиммасига юклатилгани-дан кўра, маълум устунлик ва мантисиз эга, деб биламиз.

# Қоронғуда топишганлар

Кечки пайт "ўзини бозорга солиш" мақсадида кўчага отланган Азиза Туропова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) қўшмачилик билан шуғулланиб юрган Ноила Солиқова билан танишиб қолди. "Кўр кўрни қоронғуда топибди", деганларидек, қалблари сўқир, ҳаё-иба билан "аразлашиб қолган", танасини шуларча орқали даромад орттиришни ўзларига "касб" қилиб олган икки аёлнинг ўзаро тил топишиши қийин кечмади.

Тоҳир ХУСАНОВ,  
Бош прокуратура бошқарма АМИБ  
катта терговчиси

эди. Бироқ, кейинги икки уринишда Алфийнинг исловатхонасига жўнатилиши керак бўлган қизларнинг қатъий қаршилиги кўрсатиб, қочиб кетиши оқибатида улар жиноий ҳаракатларини охирига еткази олишмайди. Аксинча, ўзларининг жирканч фаолиятлари якун топди...

Шундай қилиб, мўмай даромад илҳижда ҳар қандай қаршиликдан ҳам тонамиди, моддий мафлаатнинг инсоний туйғулардан устун қўйиб, одам савдосидан жирканч иш билан шуғулланган уюшган гуруҳнинг қилмишлари ошқор бўлиб, суднинг қора курсисидан жой эгаллашди. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди томонидан уларнинг ҳар бирига узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этиш жазоси таъинланди.

Шу ўринда бугун мамлакатимиз одам савдосига қарши курашиш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Одам савдоси билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш, чет элларда ноқонуний фаолият, фоҳишалар ва қўшмачилик билан шуғулланган фуқароларни, аёл ва қизларни ёллаб, фоҳишалар билан шуғулланиш учун чет элга олиб кетаётган ва бошқа турдаги одам савдоси жиноятини содир этаётган шахсларни аниқлаш мақсадида мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан мунтазам равишда тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Ўз навбатида республика-мизда бутун дунёда биринчилардан бўлиб ташкил этилган мазкур турдаги жиноят қурбонларини ижтимоий ҳаётга қайтариш ва соғлигини тиклашга йўналтирилган махсус марказ ташкил қилинганини айтиб ўтиш жоиз. "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" Қарори ижроси юзасидан Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида Одам савдоси жабрдидаларига ёрдам бериш ва уларни химоя қилиш Республика реабилитация маркази ташкил этилди. Бу эса давлатимизнинг нақадар инсонпарвар мамлакат эканлигини яна бир қарра исботлайди.

Кўпчиликка маълумки, жиноятчи қилмиши учун жазо тайин, ammo жабранувиш бошидан ўтказган руҳий ҳамда ижтимоий қийинчиликларни тиклашга узоқ вақт давомида эришилади. Оқорида қайд этилган жиноий гуруҳнинг биринчи "қурбони" бўлмиш Гулнора Одилова чет элда даромад ортираман деб, дард ортириб келди. Бош прокуратура ташаббуси билан Г.Одилова пойтахтимизда барпо этилган Республика реабилитация марказига жойлаштирилиб, соғлигини тиклаш учун етарли-ча гамхўрлик қилинди.



Аслида Лола гуруҳ раҳбарининг "Сен Азиза топган қизларга баҳо берасан. У менга ёши катта ва хушқўй қизларни жўнати-масин. Телефон орқали мени хабардор қилиб турасан", деган кўрсатмасини бажарётган эди. Хуллас, Самарқанд шаҳри ҳудудида моддий ҳижратдан қийналган, шаҳарда мўкин яшаш жойига эга бўлмаган қизларни топиб, жарак-жарак пул топиш-ча ишонтириб, Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрига фоҳишалар қилиш учун жўнатиб, унинг ортидан мўмай даромад орттириш мақсадида беришган жиноий гуруҳ ўз ҳаракатини фаол бошлаб юборди.

Улар дастлабки "жонли жўнатма"ни 2012 йил сентябрь ойининг ўрталарида амалга оширишди. Жиноий режа тақсими бўйича улар Гулнорани пойтахтга олиб боришлари керак эди. Ж.Султонов ва А.Ҳақимовлар қилиш Тошкент шаҳридаги "Тошкент — Самарқанд" автомашиналар турар жойига олиб келишди. У ерда эса уларни уюшган гуруҳнинг тергов давомида аниқлашнинг имкони бўлмаган аъзолари қутиб олиб, Гулнорани Зағирота тумани "Кўксарой" ҚФЙ "Куш қўнди" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Тулабий" назорат ўтказиш пункти яқинидан ноқонуний йўл билан қўшни мамлакатга олиб ўтиб кетишди.

Чимкентда Гулнорани қабул қилиб олган К.Садриева ўз навбатида, банк орқали жиноий гуруҳ аъзоларини "мукофотлаш" учун 1000 АҚШ долларини жўнатибди. Бу пуллар Самарқандда фаолият олиб бораётган уюшган гуруҳ аъзолари томонидан ўзаро тақсимлаб оли-нади.

Жиноий гуруҳ аъзолари ҳудуди шу усулда Н.Содиқованин-нинг қўл остида "хизмат" қилиб юрган Нигора Шохназарова ва Фарида Жумаеваларни ҳам Чимкентга юборишди. Ўз навбатида бу хизматлари учун "мукофот пули" олишди. Қизларнинг ўзга юртлардаги тақдири эса маълум. Уюшган гуруҳ томонидан жабранувишларни "сотиб олинган мулк" сифатида дўппослаб, зўрлик ишлатили-йўли билан, мажбуран миқоз-ларга хизмат қилдиришди.

Жиноий гуруҳнинг ишлари "беш", ҳаммаси ўзлари режа-лаштираётгандек кетаётган

Уларнинг "таржимаи ҳоли" ҳам жуда ўх-шаш. Танлаган йўлла-ридан ташқари, ҳар иккиси ҳам "касб"лари тақозоси билан чет мамлакатларга чиқиб келишган бўлса, бошқа томондан никоҳсиз эр билан бир ёстиққа бош қўйишни маъқул кўрган-ликлари боис ҳам бир-бирла-ридан фарқ қилмасдилар. Хул-лас, қоронғуда учрашган икков-лон тезда тил топишишди. Суҳ-бат давомида Ноила Азизага қўл остида "фаолият" олиб бориш-ни таклиф қилган эди, А.Туро-пова унинг таклифини бажони-дил қабул қилди. У ўзининг асл мақсадини ошқор этгунга қадар икки марта Ноила топган "михоз" ларга хизмат кўрсатди. Алоқалар бироз мустах-камлашган, Азиза дугонасига олдиндан ўйлаб қўйган режа-сини маълум қилди.

— Сизга бир таклифим бор, Ноила. Агар хўп десангиз, бир иш бошлардик.

— Қанақа иш экан? — ёғли ишнинг дарагини эшитиб, қизикди Ноила.

— Чимкентда бир танишим бор. Асли ўзимиздан, аввал қўшни бўлганмиз. Ўн йилча олдин Қозоғистонга кетганди. Ҳозир миллионер бўп кетган. У ҳам сизга ўхшаб фоҳишахона очиб, жарак-жарак пул топяпти. У ерда бизга ўхшаган қиз-ларга яхши пул тўлашади. Ўзим ҳам опанинг қўлида иш-лаб келганман. Агар иккала-миз чиройли қизлардан Алфия опа-га жўнатсак, бизни ҳам қуруқ қўймайди. Нима дейсиз?

Бу таклиф пул топиш учун ҳар қандай йўлдан қайтмайди-ган Ноилани жуда қизиқтириб қўйди. У қўп ўйлаб ўтирмай, розилик билдириди. Азиза ҳам вақтини ўтказмай дарҳол Алфия билан алоқага чиқиб, у билан қизларни қай усулда юбориш ҳамда "мукофот пули" ҳақида келишиб олди.

Шу ўринда уюшган гуруҳ раҳбари Алфия, яъни Камола Садриева ҳақида қисқача маълумот берсак: у муқаддам со-дир этган ўта оғир жиноят учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қидирила-ётган бўлиб, яшириниш ва жа-зодан қутулиш мақсадида Қозо-ғистон Республикасининг Чим-кент шаҳрига қочиб кетган. Қўшни мамлакатда "Алфия", "Марина" каби номлар билан жиноий ҳаракатларини давом эттириб келган К.Садриева чи-ндан ҳам Л.Туропованин-нинг собиқ қўшиниси бўлган. Азиза "хизмат сафари" билан Чим-кентга борганида, Каринэ уни ўз "панюхи"га олган бўлиб, ўша пайт собиқ қўшнилари Азиза Са-марқандда қайтаганидан кейин амалга оширилаётган "ҳамкор-лик" борасида келишиб олиш-ган эди.

Келишувни амалга оши-ришда Л.Туроповага Ноиладек шерикнинг бўлиши аини му-дао эди. Бироқ қизларни чет элда ишлашга қўндиришнинг ўзи билан иш битмайди. Шу сабабли жиноий гуруҳга Лола Шокирова исмли яна бир аёл ҳамда икки дугонанинг никоҳ-сиз ёстиқдошлари — Жонибек Султонов ва Аслиддин Ҳақимовлар жалб қилин-дилар.

Хислат ва илат. Бир қараганда айтилиши билан бир-бирига қофиялаш сўзлар. Аммо маъно жиҳатида бир-бирига му-тақо зил. Инсон зоти борки, эсини танганидан бошлаб кат-талар кўмагида ижобий хислат эгаси бўлишга ҳаракат қи-ла-ди. Табиийки, бу иш осонликча амалга ошмайди. Йиллар мо-байнида ўқиб-ўрганилиб, муайян мақсад томон интилинади. Кўзлаган мақсадга эришган ижобий хислат эгаси обрў-эътибор қозониб, атрофдагиларнинг меҳр-муҳаббатига са-зovor бўлади.

## Майшатбозликдан кейин...

Бобир НОРҚЎЗИЕВ,  
Тошкент вилоят прокуратураси  
бўлим прокурори

Иллатни орттириб олиш эса бир зумлик иш. Бу "дард"-га чалинган кимсаларнинг даволанишлари учун эса яна озмунча вақт керак бўладими?

1981 йилда Охангарон шаҳрида туғилган Собир Ҳақимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам бошқа тенгдошларидан ҳеч бир кам жойи йўқ эди. Ўқиб-ўрганиши, ҳалол меҳ-нати орқасидан бошқаларнинг ҳавасини келтирадиган инсон сифатида танилиши мумкин эди. Аммо, ундай бўлмади. 19 ёшида Сабоҳат билан танишиб, шарий никоҳдан ўтган Со-бир, бир йилдан сўнг оталик бахтига муассар бўлиб, бундан масрур юрган кезларида, жиноятга қўл уриб, судланди. Маълум муддатни ўтагандан кейин, унга белгиланган жазо ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилди. Кейин эса омади чоғиб, ам-нистия актига биноан жазодан озод қилинди.

Бу пайтга келиб Сабоҳат уйига кетиб қолган эди. Собир ишга кирди, бировдан кўп, бошқадан кам топиб бўлса-да, тирикчи-лик қила бошлади. Орада собиқ хотини билан боласидан ҳа-бар олиб туришни ҳам унутмади.

Ўтган йилнинг сентябрь ойи. Ишини тугатиб, Сабоҳатта бир-га овқатланиш таклифи билан кўнғироқ қилган Собир, унинг розилигини олчак, ҳаммаси билан йўловчи машинада уни-кига йўл олишди. Сабоҳатни олиб, қафга киришди. Овқатланиш баҳонасида кайфиятни кўтариш учун "юзта-юзта" олишни ҳам унуттирмади. Айнан кайфиятни кўтариш мақсадида кўтаришган қадаҳ жиноят учун қўйлажақ қадамнинг дебонаси бўлди.

Ярим тунда кафедни чиққандан кейин, Собирнинг ҳаммас-би йўлда машинадан тушиб қолди. Собир эса Сабоҳатни ака-синикига олиб бориб қўядиган бўлди. Уларни уй олдида ўти-рган қўшни уйда яшовчи Сергей билан Русланин-нинг қайни-си Маҳкам кутиб олди. Салом-алиқдан сўнг ширақайф Собир улар-га "қўли очик"лигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди-ю, дабдуруст-дан бирор жойда ўтириб, майшат қилишга таклиф қилди. Нима қилишни билмай ўтирган йигитлар бу таклифни бажонидил қабул қилдилар.

Яқин атрофдаги кафеларнинг ҳаммаси ёпиқ экан. Охири боғина Собир билан Сабоҳат кечки овқатни тановул қилиш-ган қафга йўл олишди. Собир пулини аямасди. Хурмачалари-га сикқунча ичиб, тонг отар маҳалда ортларига қайтишар экан, йўл-йўлакка бир-бирларига ҳазил қилиб келишди. Бироқ, нима бўлди-ю, Сабоҳат машинадан тушиб, акасининг уйига қирар-қирмас, Собир билан айтишиб қолди. Бу пайтда яқинида маст бўлиб қолган Собир аллақайдага гаплар билан собиқ хо-тини тергаб, ҳақорат қила бошлаган эди, ўртага Сергей туш-ди. Бундан фойдаланган Сабоҳат шу заҳоти уйга кириб кетди. Икки йигитнинг гап талашини охи-оқибат муштлашуга ай-ланди. Уларни ажратмоқчи бўлган Маҳкам ҳам ўзи билмаган ҳолда тўполонга аралашиб қолди.

Кўп ўтмай Собир уларга кучи етмаслигини тушуниб қолди-да, "ҳозир оғайниларимни чақириб келаман", деганча қочиб қолди. Уларни меҳмон қилгани-ю, раҳмат эшитиш ўрнига кал-так егани алам қилар, маст бўлгани боис эса қилаётган иши-нинг оқибатини ўйлаб ҳам кўрмас эди. Шу сабабли тўғри уйига кириб, қийимларини алмаштирди. Кейин ошхонадан пичоқ олиб, шимининг орқа томонига қистирди-да, "жанг майдони"-га ошиқди.

"Рақиб"и қайтиб келаётганини кўрган Сергей унга пешвоз чиқди. Яна жанжал бошланди. Бироқ, бу сафар узоққа қўзил-мади. Сергейнинг кўркак қисмида кучли оғрик пайдо бўлиб, кўз олди қоронғилашаётганини сезди-ю, шу заҳоти кучли қўллар уни четга итариб юборди...

Хотинидан муштлашув ҳақида эшитиб, кўчага югуриб чиқ-қан Руслан "жўжахўроз"ларни ажратишга муваффақ бўлган эди. Сергей шу заҳоти уйи томон югуриб кетди-да, ammo эшиги ёнида тўсатдан йиқилиб тушди. Руслан унга яқинлашиб, қўйла-нинг олд қисми қонга беланганини кўрди-ю, тўпналиб тур-ганларга тез ёрдам чақириб кераклигини айтди. Ўзи эса Маҳ-камнинг ёрдами билан Собирни ўшлаб, қўлларини орқасига боғлаб, ерга ётқизиб қўйди. Кўп ўтмай етиб келган шифокор-лар Сергейнинг жонини узилгани ҳақида хабар қилишди...

Ичкиликнинг касофати, устига-устак арзимеган жанжал ту-файли бир инсон бевакт бу дунёни тарк этди. Иккинчиси бўлса суднинг қора курсисидан жой олди. Ўришли савол туғилади? Мақола-миз "қаҳрамон"га илғашган иллатни "даво"лаш учун суд томонидан унинг қилмишига яраша тайинланган ҳукм етар-микан? Шунга умид қилиб қоламиз.



Мазкур давлат активларининг савдо-га қўйилиши юзасидан аввалги берилган эълонлар бекор деб ҳисобланади.

## Дикқат! Дикқат! Дикқат!

## Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Жиззах вилоят филиали бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

Жиззах вилояти, Ғаллаорол тумани, Маржонбулоқ ШФЙ, Геологлар маҳалласида жойлашган "механика устaxonаси" бино-ишоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи: ер участкасининг умумий майдони 1 954,0 кв.м;

қурилиш ости ер майдони 206,61 кв.м.

Бошланғич нархи — 50 798 000 сўм.

Баласда сактовчи — Ғаллаорол туман ҳокимлиги.

Фоолият ихтисоси: Мазмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ Жиззах вилоят филиали, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 39-уй. Тел: (8-372) 222-34-16. www.1kms.uz.

